



NORMATIV-HUQUQIY HUJJATLAR LOYIHASINI ISHLAB CHIQUISH VA KELISHISHNING YAGONA ELEKTRON TIZIMI

ID-6907 (V-7)

Ўзбекистон Республикаси Қонуни

Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун Ҳужжатларига ўзгартириш ва Қўшимчалар киритиш тўғрисида

Сўнги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш орқали аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашга оид чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бироқ, ҳудудларда қишлоқ хўжалиги корхоналари ва томорқа ер эгалари томонидан ижобий экинбоплик хулосаси олинмаган ва сифатсиз уруғлардан фойдаланиш ҳолатлари учрамоқда. Ҳозирги кунда бундай ҳолатларни вақтида текшириш, аниқлаш ва таъсир чораларини қўллаш тизими мавжуд эмас.

Мазкур ҳолат қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги пасайишига, оқибатда деҳқон ва фермерлар томонидан кутилаётган даромадга эришишга тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Уруғчилик тўғрисида”ги Қонунига кўра уруғлик етиштирувчи ва уруғликларни реализация қилувчилар томонидан етказиб берилган уруғ бўйича кафолатланган ҳосил олинмаганда, жавобгарлик назарда тутилмаган.

Шунга кўра, уруғлик етиштирувчи ва уруғликларни реализация қилувчилар томонидан ижобий экинбоплик хулосаси олинмаган уруғ етказиб берилиши натижасида йўқотилган даромадни уруғлик етиштирувчи ва уруғликларни реализация қилувчилардан ундириш бўйича қоида белгиланмоқда.

Шунингдек, ижобий экинбоплик хулосаси олинмаган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини экканлик учун қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мансабдор шахслари ва (ёки) ходимлари маъмурий жарима шаклида жавобгарлик чоралари белгиланмоқда.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар,

№ 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар; 2025 йил, № 1, 5, 8-моддалар) Қуйидаги Қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

104²-модда Қуйидаги тўртинчи ва бешинчи Қисмлар билан тўлдирилсин.

рақамли QR-код билан ёрлиқланмаган ва (ёки) ижобий экинбоплик хулосаси олинмаган уруфликларидан экиш учун фойдаланиш ёки реализация Қилиш, —

базавий Ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

ушбу модданинг тўртинчи Қисмида назарда тутилган Ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси Қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

базавий Ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 февралда қабул қилинган “Уруфчилик тўғрисида”ги ЎРҚ–521-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 2, 46-модда, № 11, 791-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 5, 465-модда) Қуйидаги ўзгартиш ва Қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модда.** Қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи, ўн олтинчи, ўн еттинчи, ўн саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“гени модификацияланган организмлар (ГМО) мавжуд уруфликлар — уруфлик (кўчат)ларнинг нав (дурагай)ларини генотипи генетик муҳандислик технологияси ёрдамида сунъий равишда ўзгартирилган организмлар;

навдорлик гувоҳномаси — Қишлоқ хўжалиги экинлари уруфликларини сифатини баҳолашнинг биринчи босқичида ўсимликнинг морфологик белгиларига асосан уруфликнинг навдорлигини баҳолаш натижалари бўйича расмийлаштирилган Ҳужжат;

экинбоплик хулосаси — Қишлоқ хўжалиги экинлари уруфликларини сифатини баҳолашнинг иккинчи босқичида аккредитацияланган лабораторияда ўтказилган синов натижаларига кўра экиш учун яроқлилигини

тавсифловчи экинбоплик сифат кўрсаткичлари мажмуи бўйича расмийлаштирилган Хужжат;”

рақамли QR-кодли ёрлик — ахборот тизими орқали қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини навдорлик ва экинбоплик сифатлари, нав тавсифномаси, улар ҳақидаги янгиланиб борувчи идентификация қилинган маълумотлар QR-кодга жойлаштирилган ва уруғлик қадоқларига тағаланиш учун мўлжалланган махсус ёрлик;”

2) **8-модда** бешинчи хатбошидаги “мувофиқлик сертификати” сўзлари “экинбоплик хулосаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

3) **15-модда** номланишидаги “сертификатлаштириш” сўзи “экинбоплик сифатини баҳолаш” ва иккинчи хатбошидаги “сертификатлаштириш” сўзи “экинбоплик сифатини баҳолаш” сўзлари билан алмаштирилсин;

4) **16-модда** тўққизинчи хатбошидаги “сертификатлаштирилмаган” сўзи “ижобий экинбоплик хулосаси мавжуд бўлмаган, шунингдек қадоқлари рақамли QR-кодли ёрликланмаган” сўзлари билан алмаштирилсин.

5) **17-модданинг** саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

рақамли QR-код билан ёрликланмаган, ижобий экинбоплик хулосаси ва фитосанитария сертификати ёки карантин рухсатномаси мавжуд бўлмаган уруғликлар тўдаларининг ташилишини тақиқлаш.

тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

экинбоплик сифат кўрсаткичлари бўйича мувофиқлигини тасдиқловчи хужжат ва фитосанитария сертификати, шунингдек карантин рухсатномаси мавжуд бўлмаган уруғликларнинг Ўзбекистон Республикасига олиб кирилишига йўл қўймаслик.

6) **19-модда** тўртинчи хатбошидаги “апробация далолатномаси” сўзларидан кейин “асосида навдорлик гувоҳномаси” сўзлари билан тўлдирилсин.

7) **22-модда** тўртинчи хатбошидаги “мувофиқлик сертификати” сўзлари “экинбоплик хулосаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

8) **23-модда** номланиши, учинчи хатбоши ва тўққизинчи хатбошидаги “сертификатлаштириш” сўзи “экинбоплик сифатини баҳолаш” сўзлари билан,

иккинчи хатбошидаги “уруғликлар сертификатлаштирилиши” сўзлари “уруғликларнинг экинбоплик сифати баҳоланиши” сўзлари билан, еттинчи хатбошидаги “мувофиқлик сертификати” сўзлари “экинбоплик хулосаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи ва бешинчи хатбоши Қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

экинбоплик сифатини баҳолаш учун ариза бериш ва уни кўриб чиқиш;

идентификация қилиш, намуналарни танлаб олиш ва лабораторияга етказиш;

саккизинчи хатбоши Қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Экинбоплик хулосаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ахборот тизимининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш;

9) **26-модда** иккинчи хатбоши ва саккизинчи хатбошидаги “мувофиқлик сертификати” сўзлари “экинбоплик хулосаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

10) **28-модда** тўртинчи хатбошиси Қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

уруғликларнинг экинбоплик сифат кўрсаткичлари бўйича мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат ва фитосанитария сертификати, шунингдек карантин рухсатномаси мавжуд бўлса;

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Мазкур Қонун 2026 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Ш. Мирзиёев